

МАВЗУ : «АҲОЛИ ВА ҲУДУДЛАРНИ ТЕРРОРЧИЛИК ҲАРАКАТЛАРИДАН МУҲОФАЗАЖ**ИЛИШНИ ТАШКИЛ ЭТИШ»**

РЕЖА:

1. Терроризм ва унинг моҳияти.
2. Террорчилик ҳаракатларини амалга ошириш усуллари ва воситалари.
3. Терроризмга қарши кураш.
4. Терроризм билан боғлиқ экстремал ва фавқулодда вазиятларда ахолининг ҳаракатлари.

Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил

15 декабрда кабул килинган

«Терроризмга карши кураш тўғрисида»ги
Конуни- да

❖ - террорчилик фаолияти кенг маънода очиб берилган.

❖ Конунга асосан ушбу фаолият - террорчилик харакатларини уюштириш, режалаштириш, тайёрлаш ва амалга ошириш, террорчилик харакатига ундаш, террорчилик ташкилотини тузиш, террорчиларни ёллаш, тайёрлаш ва куроллантириш, уларнинг фаолиятини молиялаштириш ва моддий – техник жиҳатдан таъминлашдан иборат фаолият ҳисобланади.

❖ 8. Модда. Терроризмга карши курашиш Давлат органлари.

- ❖ Узбекистон Республикаси **Давлат Хавфсизлик Хизмати**;
- ❖ Узбекистон Республикаси Ички Ишлар Вазирлиги;
- ❖ Узбекистон Республикаси Куролли Кучлар Вазирлиги;
- ❖ Узбекистон Республикаси Давлат Божхона Кумитаси;
- ❖ Узбекистон Республикаси Фавкулодда Вазиятлар Вазирлиги.
- ❖ *Терроизмга карши курашиш, терроизмнинг салбий таъсирининг олдини олиш ва камайтириш буйича Давлат органларининг хатти-харакатлари, уларнинг хамжихатлиги Узбекистон Республикаси Давлат Хавфсизлик Хизмати тамонидан ташкиллаштирилади ва назоратга олинади.*

“ТЕРРОР” атамаси лотинча “terror” – дахшат, күркүв сўзидан келиб чикқан.

Террор – оммавий ва сиёсий мақсадларга эришиш учун зўравонликдан, ҳамда зўравонлик қилиш билан таҳдид солишдан мунтазам фойдаланишdir. Душманни жисмоний зўравонлик йўли билан қўрқитиш, ҳатто уни жисмонан йўқ қилишdir.

“Терроризм” эса террор амалиётиdir.


Терроризм – мафкуравий ва бошқа мақсадларга эришиш учун шахснинг ҳаёти, соғлиғига хавф туғдирувчи, мол-мулк ва бошқа моддий объектларнинг йўқ қилиниши (шикастлантирилиши) хавфини келтириб чиқарувчи ҳамда давлатни, халқаро ташкилотни, жисмоний ёки юридик шахсни бирон-бир ҳаракатлар содир этишга ёки содир этишдан тийилишга мажбур қилишга, халқаро муносабатларни мураккаблаштиришга, давлатнинг суверенитетини, худудий яхлитлигини бузишга, хавфсизлигига путур етказишга, қаратилган зўрлик ишлатиш билан қўрқитиш ёки бошқа жиноий қилмишлар.

Террорчи – террорчилик фаолиятини амалга оширишда иштирок этаётган шахс



Террорчилик гуруҳи – олдиндан тил бириктириб террорчилик ҳаракатини содир этган, бундай ҳаракатга тайёргарлик кўрган ёки уни содир этишга суиқасд қилган шахслар гуруҳи

Террорчилик ташкилоти – икки ёки ундан ортиқ шахснинг ёки террорчилик гуруҳларининг террорчилик фаолиятини амалга ошириш учун барқарор бирлашуви



Жамиятда ижтимоий ва иқтисодий тенгсизлик

**Миллий-диний қарама-қаршиликлар,
Оммавий ишсизлик ва қашшоқлик**

**Оммавий-диний фаолиятда хуқукий
эфектив (унумли) бошқарувнинг йўқлиги**


**Айрим кишиларнинг маънавий паст
фазилатлари ва ахлоқсиз ҳаёт тарзи**

**Тубанликка тушган кишиларга нисбатан
хуқуқни ҳимоя қилиш органлари ва
аҳолининг эътиборсизлиги, локайд ва
бепарво муносабати**

**Халқаро миққиёсда терроризм ва
жиноятчиликка қарши курашнинг етарли
даражада эмаслиги**

**Айрим кишиларнинг, ташкилотларнинг
хаттоқи давлатларнинг терроризмни
қўллаб-қувватлашдан манфаатдорлиги**

Терроризм
тарқалиши
га сабаб
бўлувчи
шароитлар




ТЕРРОРИЗМ КҮЛАМЛАРИ

1. Шахсга нисбатан жиноят.
2. Инсонларни гурухларга бўлиб қатл этиш.
3. Инсонларни оммавий йўқ қилиниши.
4. Бутун мамлакат бўйлаб терроризмни куллаш.
5. Дунё ҳамжамиятига қарши йирик кўламли харакатлар.

Гаровга олиш



Мол-мулкни йўқ қилиниши



Инсонларнинг соғлиғига зарар етказиш

Аҳолини қўрқитиши,
тартибсизликлар ва ваҳима
келтириб чиқариш



**Ташкилотларни,
аҳоли гурухларини,
шахсларни йўқ қилиш**




**Миллатлааро, динлааро,
халқаро муносабатларни
мураккаблаштириш**



Давлат хавфсизлигига таҳдид



Шахсга нисбатан жиноят



Инсонларни оммавий йўқ қилиниши



Инсонларнинг оммавий ўлими



Дунё ҳамжамиятига нисбатан йирик кўламли ҳаракатлар



ТАЪСИР КҮРСАТИШ ОБЪЕКТЛАРИ



Айрим жисмоний ва юридик шахслар

Ташкилотлар, бир гурух фуқаролар

Ичимлик суви, озиқ-овқатлар

Иқтисодиёт объектлари
(корхоналар, транспорт воситалари, вокзаллар, аэропортлар,
күпприклар, энергия тизимлари)

Алоқа бошқарув тизимлари

Терроризмнинг усуллари

- 1. Совук ва ўқ отар қурол ишлатиш**
- 2. Портлатиш ва ўт қўйишини ташкиллаштириш**
- 3. Саноат ва транспорт аварияларини ташкиллаштириш**
- 4. Транспорт воситаларини гаровга олиш, олиб қочиш ва йўқ қилиш**
- 5. Инсонлар ҳаётига таҳдид, уларни гаровга олиш**
- 6. Кимёвий, радиоактив ва биологик воситаларни қўллаш ёки қўрқитиши**
- 7. Инсонларни қийноққа солиши**
- 8. Руҳий-информацион таъсир**
- 9. Алоқа ва компьютер тизимларини издан чиқариши**
- 10. Вахима ва тартиббузарликларни юзага келтириши**
- 11. Қўрқитиши, пора бериб ўз томонига оғдириши**

Терроризмдан мухофаза йуллари

1. Хукукий; 
2. Ташкилий;
3. Ахборот;
4. Ижтимоий-иктисодий;
5. Мухандис-техник;
6. Тиббий;
7. Махсус;

ТЕРРОРИЗМ БИЛАН БОҒЛИҚ
ЭКСТРЕМАЛ ВА ФАВҚУЛОДДА
ВАЗИЯТЛАРДА
АҲОЛИНИНГ  ҲАРАКАТЛАРИ

*ШУБҲАЛИ БУЮМ ТОПИБ
ОЛИНГАНДА . . .*

- зудлик билан тегишли хизматларга хабар беринг;
- шубҳали буюмга яқинлашманг;
- хавфли зонани камида  100 м радиусда одамлардан бўшатинг;
- шубҳали буюм ва хавфли зонани қўриклишни таъминланг;
- уюшган ҳолда одамларнинг эвакуациясини таъминланг;
- мутасадди органлар кўрсатмаларига риоя қилинг;
- радио алоқа воситалари, уяли телефон ва радиопортлатгич ишлаб кетишига олиб келувчи воситалардан фойдаланманг.

ТЕРРОРИЗМ БИЛАН БОҒЛИК
ЭКСТРЕМАЛ ВА ФАВҚУЛОДДА
ВАЗИЯТЛАРДА
АҲОЛИНИНГ ҲАРАКАТЛАРИ

*ХОДИМЛАРИ ГАРОВГА ОЛИНГАН
ОБЪЕКТ РАҲБАРИНИНГ
ҲАРАКАТИ....*

- зудлик билан мутасадди органларга ва юқори орган раҳбариға хабар бериш;
- гаровга олинмай қолган ~~ходимларни~~ бинодан зудлик билан олиб чиқиш;
- бегоналар бинога киришларига йўл қўймаслик, бинони кузатиш ишларини ташкил этиш;
- ўз ташаббусига кўра террорчилар билан музокара олиб бормаслик;
- террорчиларнинг талабларини, агар бу одамлар соғлиғига зарар етказиш билан боғлиқ бўлмаса, бажариш;
- ҳодиса содир бўлган жойга тегишли кучларнинг тўсиқсиз кириб келишини таъминлаш.

ТЕРРОРИЗМ БИЛАН БОҒЛИҚ ЭКСТРЕМАЛ ВА
ФАВҚУЛОДДА ВАЗИЯТЛАРДА
АҲОЛИНИНГ  ХАРАКАТЛАРИ

ГАРОВГА ТУШИБ ҚОЛДИНГИЗ . . .

- ортиқча ҳис-ҳаяжон, саросима, вахимага тушманг;
- террорчилар билан бўлар-бўлмас мулоқотга киришманг, сира жанжаллашманг;
- кўпчилик ичида “сингиб” кетинг, ярқ этиб кўзга ташланманг;
- жиноятчининг кўзига тик боқманг, бу унинг сизга нисбатан қаҳрғазабини оширади;
- ён-атрофингиздагиларни тинчлантириинг;
- тутқинликда бўлган вақтда кўрган, эшигдан барча нарсаларни, террорчиларнинг ташқи кўриниши, хатти-ҳаракатини эслаб қолишга ҳаракат қилинг;
- қандай егулик таклиф этишмасин уни рад этманг;
- руҳий барқарорликни қўлдан бермасликка ҳаракат қилинг;
- озод бўлишингизга бўлган умидни йўқотманг;
- гаровдан озод этилганингизда панарок жойга ўтинг, отишмалар тугамагунча эгилган бошингизни юқори кўтарманг, маҳсус хизмат ходимларининг топшириқларини сўзсиз бажаринг